# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
# BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
# QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 22-апрел 851и-son Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 25 августдаги 1912қ-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Боғот туман “Оқтепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Собиров Бахром Зариповичга қарашли “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “1-қавати Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2, 3-қаватлари турар жой” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2020 йил 25 августдаги 1912қ-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 апрелдаги ШЯ-С-1680-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2020 йил 25 августдаги 1912қ-сонли қарорини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 25 августдаги 1912қ-сонли қарорининг биринчи банди қуйидаги тартибда таҳрир қилинсин;

- Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 252,0 квадрат метр, умумий ер майдони 252,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган “1-қавати Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2, 3-қаватлари турар жой” биноси фуқаро Собиров Бахром Зариповичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Боғот тумани ҳокимининг 2020 йил 25 августдаги 1912қ-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва фуқаро Собиров Бахром Зариповичга етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил август ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **Ш.Яхшибаев**